

ISSN: 2545-0573

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ-МОДДИЙ АҲВОЛИ

Усмонов Ахроржон, Мўйдинов Дониёржон

*Фарғона давлат университети ўқитувчиси*

### ARTICLE INFO.

#### Ключевые слова:

ногиронлар, пенционерлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, касаба уюшмаси, кўп болали оилалар, суғурта, имконияти чекланганлар, вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар.

### Аннотация

Мақолада Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий-моддий аҳволини 1946-1991 йилларда яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва совет даврининг тугашигача бўлган даврни ўз ичига олади, чунки бу давр ичида совет давридаги ижтимоий таъминотига доир асосий қонунлар қабул қилинган Бироқ, ижтимоий таъминоти соҳасидаги ўзгаришлар китобларда батафсил ёритилмаган. Ижтимоий соҳани тавсифлашда муаллифлар иш ҳақи (ўртача ва минимал), уй-жой ва таълимдаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Фарғона водийсида пахта тайёрлаш ҳажмини муттасил ошириб бориш мақсадида озуқа экинлари, мевали боғлар ҳисобига, шунингдек, янги ўзлаштирилган ерларга пахта экилиши туфайли экин майдонларининг 80-85 фоизи, айрим район ва хўжаликларда эса 90 фоизи пахта майдонига айлантирилди. Ўзининг ажойиб навли мева ва полиз маҳсулотлари билан донг таратган Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигининг пахтадан бошқа экин турларини экиш камайиб борди. Натижада қишлоқ аҳолиси аввалги ўн йилликларда мева ва полиз маҳсулотларини шаҳарга етказиб берган бўлса, энди бундай маҳсулотларни шаҳардан харид қиладиган бўлди.

Пахта якка ҳокимлиги шароитида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ҳам эътибордан четда қолди. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш соҳаларига етарли даражада маблағ ажратилмади. Натижада ҳар йили ҳосилнинг жуда катта қисми, яъни 30-40 фоизи савдо корхоналари ва қайта ишлаш заводларига етиб бормай нобуд бўлди. Бу ҳолат Фарғона водийсининг ҳар учала вилоятига хос бўлиб, ушбу ҳудуддаги ишсизлик ва қашшоқликни юзага келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди.

Собиқ совет республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида Ўзбекистон ва унинг иқтисодий районларидан бири бўлган Фарғона водийси катта зарар кўрди. Фарғона водийси ўзини етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайдиган шароитда ҳам Иттифокнинг бошқа республикаларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатишга мажбур бўлди. Жумладан, 1987 йилда биргина Фарғона вилоятидан собиқ Иттифокнинг бошқа ҳудудларига 97 минг тонна мева ва полиз маҳсулотлари жўнатилди.

Фарғона водийси саноат салоҳияти жиҳатидан Ўзбекистон ССРда олдинги ўринларда турган бўлса-да, унда, асосан, хом ашё тайёрлашга асосланган қишлоқ хўжалиги, минерал ўғитлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар ривожлантирилганлиги оқибатида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконияти чекланган эди.

XX асрнинг 80-йилларида саноат маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг озлиги Фарғона водийси аҳолисининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш имконини бермади. Бунинг устига Фарғона вилоятида ҳар йили 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳолда, 300 миллион сўмлик маҳсулот истеъмол қилинар эди. Натижада Фарғона вилоятига ҳар йили 1200 дан ортиқ маҳсулот турлари Иттифоқ ва республиканинг турли регионларидан олиб келинар эди. Жумладан, 1988 йилда Фарғона вилоятига республика ташқарисидан 8502 номдаги 45 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар келтирилди. Бу ҳолат водийнинг бошқа вилоятларида ҳам кузатилиб, ҳар йили Андижон вилоятига 100 турдан зиёд, Наманган вилоятига 120 хил оддий халқ истеъмол маҳсулотлари келтирилиб турилган.

Айни пайтда кишиларда моддий манфаатдорликнинг йўқлиги, режани бажариш талабида сифат эмас, сон кўрсаткичларига эътибор берилиши оқибатида сифатли тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси пасайиб борди. Минтақа саноатида маҳсулот умумий ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши республиканинг бошқа ҳудудларидан ҳам орқада қола бошлади. Жумладан, 1981-1985 йилларда маҳсулот умумий ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши Андижон вилоятида 7,85 фоизни, Наманган вилоятида 7,3 фоизни, Фарғона вилоятида 4,55 фоизни ташкил этган бўлса, 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан ушбу кўрсаткичлар Андижон вилоятида 4,45 фоиз, Наманган вилоятида 4,15 фоиз, Фарғона вилоятида 3,7 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, ушбу йилларда (1985-1989) саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши Бухоро вилоятида 3,75 фоиздан 5,4 фоизга, Қашқадарё вилоятида 4,4 фоиздан 7,7 фоизга, Тошкент вилоятида 3 фоиздан 3,25 фоизга, Хоразм вилоятида 5,9 фоиздан 6,55 фоизга ўсишга эришилган эди.

Ўрганилаётган даврда, айниқса, аҳолининг иш билан бандлик даражаси асосий муаммога айланди. Айрим маълумотларга кўра Фарғона водийсидаги

5 миллиондан ортиқ кишидан 1,5 миллион киши нормал иш билан таъминланмаган эди. Қишлоқ аҳолисининг саноат корхоналарида ишлаш имкониятининг чекланганлиги ҳам ишсизлар сонининг ортиб боришига олиб келди. Хусусан, Фарғона совети ижроия комитетининг 1988 йил 24 июнда “Меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида”ги қароридан Фарғона шаҳридаги ишчи ўринларга узоқ-яқин жойлардан одамларни жалб этмаслик белгилаб қўйилган эди.

1980 йил иккинчи ярмидан бошлаб озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қаратилган айрим амалий ишлар ҳам кўзга ташланди. Хусусан, Фарғона вилоятида 1989 йилга келиб 10 минг гектар, Андижон вилоятида 168 минг гектар пахта майдонлари қисқартирилиб, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экин майдонлари кенгайтирилди. Аммо ҳосил ҳажмини кўпайтиришни асосан интенсив усуллар ҳисобига эмас, балки экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига амалга оширишга эътибор қаратилди. Лекин, пахта майдонларини қисқартириш борасида ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, 1988 йилда пахта майдонлари 90 минг гектарга камайтирилган бўлса-да, республика Агросаноат давлат комитети текширишлари натижасида, озуқа майдонлари ҳисобидан 40 минг гектарга яқин ерга чигит экилганлиги аниқланган. Бундай ҳолатлар Фарғона водийси вилоятларига ҳам тегишли бўлган. Жумладан, Андижон вилоятида пахта майдонлари камайтирилган ҳолда вилоятнинг Пахтаобод туманида аксинча, 500 гектарга кўпайтирилган.

Фарғона водийси саноат корхоналари жойлашуви бўйича республиканинг бошқа вилоятларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлсада, ҳудуддаги юзага келган ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни ҳал этиш имкониятини бермаган. Чунки, ишлаб чиқариш асосан бир томонлама яъни хом ашё тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, асосий даромадни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳудудлар олган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш ва ташқи савдо билан фақат марказий органлар шуғулланишган. Бу эса, асосан, хом ашё етказиб берувчи ҳудуд учун салбий аҳмиятга эга бўлган. Фарғона водийси саноатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси паст ҳолда ташкил этилганлиги аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондира олмаслигига олиб келди. Шунинг учун ҳам ҳар йили оддий халқ истеъмол маҳсулотлари республика ва унинг ҳудудларига бошқа минтақалардан келтириш ҳисобига таъминлаб келинган.

Давлат томонидан катта куч ва маблағ сарфланишига қарамай ишлар асосан шахсий манфаатдорлик йўлидаги уринишлар ва ўзгаришларга эмас, балки жамоавий иштиёққа суянилиши оқибатида инсонлардаги иштиёқ йилдан-йилга сўниб боришига, жамоа мулкига бўлган муносабат эса юзаки характерга эга бўлишига олиб келди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича ҳам Ўзбекистон паст ўринларда бўлган. Жумладан, Фарғона водийсида меҳнат унумдорлиги, саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиш суръатлари 1980 йил ўрталаридан бошлаб аввалги беш йилликка нисбатан кескин пасайиб борди. Хусусан, 1981–1985 йилларда маҳсулот умумий ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши Андижон вилоятида 7,85 фоизни, Наманган вилоятида 7,3 фоизни, Фарғона вилоятида 4,55 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги беш йилликда (1985–1989) ушбу кўрсаткич мос равишда 4,45 фоиз, 4,15 фоиз, 3,7 фоизни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳосил қилинган миллий даромаддан меҳнат сарфи юқори бўлишига ҳамда иқтисодий зарар ортишига олиб келди.

Тадқиқ этилаётган даврдаги энг асосий муаммолардан бири – бу ишсизлик масаласи бўлиб, йиллар давомида меҳнат ресурсларининг ўсиши аҳоли сони ўсишидан орқада қолишига, шунингдек, бошқа ҳудудлардан ишчи кучлари олиб келиниши демографик хусусиятлари нисбатан мураккаб бўлган Фарғона водийсида ишсизлар сони ортиб боришига сабаб бўлди. Масалан, Фарғона вилоятида иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1986 йилдаги 38 минг кишидан, 1990 йилга келиб 42,2 минг кишига етади. Ишсизлар сони ортиши эса камбағаллик даражаси ортиб боришига олиб келди.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида республикадаги ижтимоий муаммолар кескинлашувини олдини олиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш мақсадида республика раҳбари И.А.Каримовнинг 1989 йил 17 августдаги Қарорига мувофиқ қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида ҳудудларда оилаларга кўшимча ерлар ажратиб берилди. Жумладан, Фарғона вилоятида 1989 йилнинг 10 ойи давомида 38 минг 482 оилага томорқа тариқасида 5289 гектар ер, 5688 та оилага ўз участкаларини кенгайтириш учун 304 гектар ер берилди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш мақсадида аҳолига қарийб 300 минг гектар суғориладиган ер ажратилиб бу аввалги 73 йил мобайнида ажратилган ер майдони ҳажмига тенг бўлган.

Умуман, республика вилоятлари бўйича шахсий томорқа ерларининг кўпайтирилиши озиқ-овқат ва уй-жой масалаларини ҳал этишдаги ижобий тадбирлардан бири бўлди. Чунки, қишлоқда яшовчи кўплаб оилалар ўзлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирибгина қолмасдан, ички бозорни тўлдириш, моддий манфаатдорликни оширишга хизмат қилди. Масалан, Фарғона вилоятида етиштирилган меванинг 46 %и, узумнинг 38 %и, сабзавотнинг 51 %и, картошка ва полиз маҳсулотларининг 15 %и, гўштнинг 52 %и, сутнинг 59 %и айнан шахсий томорқалар ҳиссасига тўғри келган<sup>1</sup>. Шахсий томорқа ерлари берилиши қишлоқда яшовчи аҳолини иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида қарор

топган мавжуд сиёсий тизим бу каби бир қатор ижтимоий муаммоларни бартараф этиши мумкин бўлган бундай самарали усуллардан фойдаланиш имконини бермади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Коммунист. 1989 йил, 19 май №95 (16006).
2. Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б.12-14.
3. Коммуна. 1987 йил 21 август, №162 (18285).
4. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1124-фонд, 15-рўйхат, 535-йиғма жилд, 49-варак.
5. Коммуна газетаси // 1988 йил, 8 декабрь, №235 (18608).
6. Коммуна газетаси // 1989 йил, 24 март, №58 (18681).
7. Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б.12-14.
8. Некоторые показатели социально-экономического развития Каракалпакской АССР, областей и г.Ташкента в двенадцатой пятилетке. – Ташкент: 1990. – С.49.
9. Населения СССР. По данным всесоюзной переписи населения 1989 года. – Москва: Финансы и статистика, 1990. - С. 16.
10. Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.17.
11. Қаранг: Коммуна. 1989 йил 18 март.
12. Мақсад ва манфаатлар бирлиги // Коммунист. 1989 йил 1 ноябрь.
13. Экономика муаммолари ва ечимлари // Коммуна. 1989 йил 28 апрель.
14. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирайлик // Коммунист. 1989 йил 4 май.
15. Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожеаси мисолида): Тар. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дис. – Тошкент: 2019. – Б. 23.
16. Халқ фаровонлигини юксалтиришнинг ойдин йўли // Коммуна. 1986 йил 12 ноябрь.
17. Энг муҳим йўналиш // Коммуна. 1990 йил 24 ноябрь.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 12. “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитлар яртиб бериш” тўғрисида.
19. Қаранг: Коммуна. 1991 йил 20 сентябрь; Коммуна. 1989 йил 17 ноябрь.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 12. “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитлар яртиб бериш” тўғрисида.
21. Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

22. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1124-фонд, 15-рўйхат, 535-йиғма жилд, 49-варақ.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 12. “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитлар яртиб бериш” тўғрисида.
24. Некоторые показатели социально-экономического развития Каракалпакской АССР, областей и г.Ташкента в двенадцатой пятилетке. – Ташкент: 1990. – С.49.
25. Населения СССР. По данным всесоюзной переписи населения 1989 года. – Москва: Финансы и статистика, 1990. - С. 16
26. Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.17.
27. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1124-фонд, 15-рўйхат, 535-йиғма жилд, 49-варақ